

**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича
№ 4 сонли ШАРТНОМА**

2022 йил «12» Декабр

Қўқон шаҳри

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «Замин Тараккиёт Фаровон Қурилиш» МЧЖ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари Б.Маматкаримов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Маҳаммад Раҳмонийлаҳи Қўлаб Қўбратов Бўл номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари Расулов Я ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

1. Шартнома предмети

- 1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради;
- 1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 89 900 000 сўм, (*Саксон тўққиз миллион тўққиз юз минг*) сўмни ташкил қилади.
- 1.3. Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.
- 1.4. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: ____ кун.

2. Ҳисоб-китоб шартлари.

- 2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ҳисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счёт-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб «Буюртмачи» томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг прејскурантлари асос бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини смётаси: ёки калькуляция ва баҳолар прејскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарк «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.
- 2.2. «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорида туловни амалга оширади ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни «Иш бажарувчи» жорий таъмирлаш ишларини бажаргандан сўнг 10 кун ичида амалга оширади.
- 2.3. Жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши жаренига «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашелар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан ҳисоб-китоб қилинади.

3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

- 3.1. «Иш бажарувчи» ўз қучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома иловаларида яъни лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли, техник талабларга жавоб берадиган ҳолатда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
- 3.2. «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.
- 3.3. «Буюртмачи» бажарилган жорий таъмирлаш ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

4. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар:

- 4.1. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайди.
- 4.2. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевоқифа ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эъзига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устуңликлар олинмаганлигини (қалажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир етмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка ега бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад еканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, қўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий егаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупсияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундан, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

4.4. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига ега бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини қўлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат

қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупсиявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупсиявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупсиявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий қундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

4.5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупсияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайди.

4.6. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупсияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақида зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилмаган ёки қўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

5. Жарималар қўланилиши

5.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нусхонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг умумий қийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўлаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган жорий таъмирлаш ишларини умумий қийматини 0.02% миқдоридан ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.

5.3 Қабул қилинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш(хизмат) миқдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.02 % миқдоридан «Иш бажарувчи» га пеня тўланади.

5.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6. <Форс-мажор>

6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

7. Шартнома муддати

7.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

7.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31-Декабрь.

7.3 Шартнома қўйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда ҳужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
 в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;
 г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига еки лойиха-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
 д) Бажарилган жорий таъмирлаш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайтилиши ёки купайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;
 Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

8. Қўшимча шартлар

- 8.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинади. Ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади.
- 8.2 «Иш бажарувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (гувоҳнома) «Буюртмачи»га тақдим этади.
- 8.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.
- 8.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли газначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.
- 8.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб *тегишли газначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади*

Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинади. Ўзаро ҳал қилинмаганда иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.

9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Пудратчи»

«Замин Тараққиёт Фаровон Қурилиш» МЧЖ
(Иш бажарувчининг номи)

Манзил: Қўқон шаҳар А.Навоий

Телефон: +99890 629 06 68

х/в : 20208000100976778001

Банк номи: «Универсалбанк» ХАТ Қўқон филиали

МФО: 00973 СТИР: 306014071

ОКОНХ: 61110

«Буюртмачи»

Маҳалла ва ҳуқуқий ҳимоя қўғам бўлими
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: *Қўқон шаҳар Тўқон 12 А*

Тел./факс

ш/х * *401922860304057011401259001*

бюджетдан маблағ олувчи СТИР *207316544*

ОКОНХ *94120*

Молия вазирлиги газначилиги ягона

ҳисобварағи 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказийбанк Тошкент ш.

ХККМ

МФН *ХККМ*

Молия вазирлиги газначилиги

СТИР *207316544*

ОКОНХ *94120*

Молия вазирлиги газначилиги

ҳисобварағи 23402000300100001010



Р. Маматкаримов
(Ф.И.Ш)

Маматкаримов
(имзо)



Р. Маматкаримов
(Ф.И.Ш)

Р. Маматкаримов
(имзо)

Ўқиб: *Абдул* *Абдул*